

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК  
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ**

**АБДУАЗИМХОДЖАЕВ АЗИЗ НОДИР ЎҒЛИ**

**СУВЛАНГАН ТЕКТОНИК БУЗИЛИШ ЗОНАЛАРИНИ АЖРАТИШДА  
ГЕОФИЗИК УСУЛЛАРНИ КОМПЛЕКСЛАШ  
(ТЎПОЛОН СУВ ОМБОРИ МИСОЛИДА)**

**04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Абдуазимходжаев Азиз Нодир ўғли**

Сувланган тектоник бузилиш зоналарини ажратишда геофизик усулларни  
комплекслаш (Тўполон сув омбори  
мисолида).....3

**Абдуазимходжаев Азиз Нодир угли**

Комплексирование геофизических методов при выделении обводненных зон  
тектонического нарушения (на примере Тупалангского  
водохранилища)..... 19

**Abduazimkhodjaev Aziz Nodir o'g'li**

Complexing of geophysical methods in identification of waterflated zones of  
tectonic dislocation (on the example of Tupolang water  
reservoir).....35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....38

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК  
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ**

**АБДУАЗИМХОДЖАЕВ АЗИЗ НОДИР ЎҒЛИ**

**СУВЛАНГАН ТЕКТОНИК БУЗИЛИШ ЗОНАЛАРИНИ АЖРАТИШДА  
ГЕОФИЗИК УСУЛЛАРНИ КОМПЛЕКСЛАШ  
(ТЎПОЛОН СУВ ОМБОРИ МИСОЛИДА)**

**04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/GM59 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Геология ва геофизика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.gpniimr.uz](http://www.gpniimr.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Садикова Лола Ренатовна**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Хамидов Лутфулла Абдуллаевич**  
физика -математика фанлари доктори

**Долгополов Феликс Геннадьевич**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**«Ўзбекгидрогеология» ДУК**

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.GM.40.01 Илмий кенгашининг 2019 йил «26» декабр соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz)).

Диссертация билан Минерал ресурслар институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси 11<sup>а</sup>-уй. Тел.: (99871) 256-13-49.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.М. Пирназаров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**К.Р. Мингбоев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

**К.Н. Абдуллабеков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, академик, ф.-м.ф.д

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё амалиётида кенг кўламли гидротехник иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Гидротехник иншоотларнинг ҳолатига салбий таъсир этувчи омилларнинг энг асосийларидан бири сув омборларидаги тектоник бузилишлардаги фильтрация зоналарини ривожланишидир. Ҳозирги кунда ушбу зоналарни замонавий геофизик усуллар мажмуини қўллаш билан сув омборлари қирғоқларидан сувни фильтрация жараёнларига энг сезгир бўлган физик майдонларини аниқлаш бўйича ҳар томонлама тадқиқотлар ўтказиш, олинган маълумотларни компьютер дастурида қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали жойлашувининг геометриясини аниқлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида сув омборлари ён қирғоқларини ташкил этувчи сувланган қояли тоғ массивларининг геофизик хоссалар (электр, зичлик, электромагнит, радиоактив) майдонларини тадбиқ этиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Россия, Франция, Италия каби ривожланган мамлакатларда электротомография, сейсмотомография, георадар, шунингдек, гидрологик ва таркибий-геоморфологик таҳлилни фильтрация зоналарининг физик кўрсаткичлари маълумотларини кўп қиррали таҳлили орқали натижаларнинг самарадорлигини ва ишончилигини ошириш учун тектоник бузилишларни аниқлашда замонавий геофизик усулларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хавфли экзоген жараёнларнинг олдини олиш, сув омборларидан сувнинг сизиб чиқиш жойларини аниқлаш ёки унинг ҳажмини камайтириш мақсадида геофизик тадқиқотларнинг қулай комплексини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Республикада гидротехника иншоотлари, сув омборлари, саноат ва фуқаро қурилиши каби стратегик муҳим объектларни ҳар томонлама мониторинги олиб борилмоқда. Жумладан, гидротехник иншоотларини қуриш жараёнида уларнинг техник талабларга мувофиқ қурилишини назорат қилувчи геотехник назорат тизими жорий қилинган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «... айрим ҳудудларнинг табиий ва минерал потенциалидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш кўзда тутилган ...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, фойдаланилаётган сув омборларида фильтрация зоналарини аниқлашда геофизик усуллар комплексини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада

---

<sup>1</sup>«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармонида, 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида» ПҚ-3578-сон қарорида, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришда маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу тадқиқот Республика фан-технологияларини ривожланишининг VIII – «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гидротехника иншоотлари (тўғонлар), атом электр станциялари ва бошқалар каби стратегик муҳим объектларни лойиҳалаш ва мониторинг қилишда тектониканинг таъсирини ўрганиш ишлари дунёнинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари олимлари томонидан олиб борилмоқда, жумладан: Россия ФА Ер физикаси институти, «Гидропроект» АЖ Россия, Ломоносов номидаги МДУ, (Россия), Россия ФА СБ Ер қобиғи институти, ЎЗР ФА Ғ.А.Мавлянов номидаги Сейсмология институти, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти. Дарзланган тектоник бузилишларни ўрганишда А.В.Пейве, В.Е.Хаин, Ю.Л.Косыгин, В.В.Белоусов, Г.Д.Ажгирей, Н.И.Николаев ва бошқалар асарларида алоҳида аҳамият берилган; тектонофизика соҳасида - М.В.Гзовский, С.И.Шерман ва бошқалар; сейсмотектоника соҳасида - Л.М.Плотникова, Р.Н.Ибрагимов, В.И.Уломов, Л.А.Ҳамидов, Б.С.Нуртаев ва бошқалар. Узилмалли бузилишларнинг хусусиятларини ўрганиш ва гидротехник иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда уларнинг таъсири масалалари Р.А.Содиқов, Д.Б.Джамалов, Ш.Х.Абдуллаев, Б.Б.Ситдиқова, А.Л.Стром ва бошқалар ишларида акс эттирилган.

Тектоник бузилишларнинг намоён бўлиши кўп томонлама ўрганилганлигига қарамай, уларнинг сув омборларидан фойдаланиш режимига таъсири билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Тўполон дарёси ҳавзасининг геологик ва тектоник тузилиши етарлича ўрганилмаган, шу жумладан сув омборлари қирғоқлари бўйлаб фильтрация зоналарини аниқлайдиган геофизик маълумотларнинг комплекс таҳлили амалга оширилмаган.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Геология ва геофизика институти ҳамда ГИДРОИНГЕО институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А13-Т123 «Ангрен кўмири конида сейсмик мониторинг ишларини ўтказиш» (2015-2017), ФА-А13-003 «Хисор минтақасининг Оқтош, Тўда ва Бахча майдонларининг чуқурлик бўйича тузилишининг сейсмик зичлик моделларини яратиш» (2016-2018), 50/500 «Тўполон сув омбори бўйича фаол

геологик жараёнларни ўрганиш учун ГИС-технологиялардан фойдаланган ҳолда геологик ва геофизик тадқиқотлар» (2017-2019), «Гидрогеофизик усуллари билан тоғ олди зоналарда сувланган тектоник бузилишларни аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш» (2011-2015) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сувланган тектоник бузилиш ҳудудларини ажратиш имконини берадиган геологик-геофизик усулларининг қулай комплексини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сувли тектоник бузилмаларни аниқлаш учун муҳандис-геофизик тадқиқотларни қўллаш натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

Тўполон дарёси ҳавзаси сувланган тектоник зоналарини геологик жиҳатлари ва ўзига хос физик-геологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

ArcGIS 10.0 дастурини қўллаб рельефнинг рақамли модели (PPM) асосида Тўполон дарёси ҳавзасининг гидрологик харитасини тузиш;

геофизик муҳитнинг интегралланган моделларида космогеологик тадқиқотларнинг қўлланилишга яроқлилигини баҳолаш;

муҳандис-геологик вазифаларини ечишда сувланган тектоник бузилмалар зоналарини аниқлаш мақсадида геологик-геофизик усуллари комплекснинг услубий йўлларини ишлаб чиқиш

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тўполон сув омборининг фильтрация зоналари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** сув омборининг икки бортидаги тектоник бузилмалардаги фильтрация зоналарининг геофизик кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар геологик, геоморфологик ва геофизик таҳлиллар ҳамда космофотосуратларни тафсирлашнинг комплекс усуллари билан олиб борилган. Геофизик маълумотларга ишлов бериш ва талқин қилиш георадиолокация усули GEOSCAN32, ZondST2D сейсмик томография усули, сейсмик қидирувнинг синган тўлқинлар усули RadExPro, Res2DinV электротомография усуллари асосида сейсмик ва геоэлектрик кесимларни қуриш орқали амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кесимнинг юқори қисмини тектоник тузилишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган самарали геофизик майдонларини аниқлашнинг энг қулай усулларини танлаш услуби асосланган;

микдорий таҳлил орқали таққослашга асосланган сейсморазведка ва электроразведка усулларини комплекслаш схемаси асосланган;

сейсмик коррекция қилиш усули такомиллаштирилган;

тектоник, гидрологик ва геоморфологик муаммоларни ҳал қилишда космик суратларини қайта ишлашнинг автоматлаштирилган усулларида фойдаланиш имконияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сувланган тектоник бузилиш зоналарини ажратишда электротомография ва сейсмотомография маълумотларини комплекс изоҳлаш услуги ишлаб чиқилган;

туб жинсли массивдаги дарзли зоналар бўйича сувнинг фильтрацияланиши, Тўполон сув омборининг иш режими билан боғлиқлиги аниқланган;

фильтрация зоналарини хариталаш мақсадида ArcGIS дастурида Тўполон дарёсининг гидрологик харитаси тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий техник воситалардан, геофизик маълумотларга ишлов бериш ва изоҳлаш учун лицензияланган дастурлардан фойдаланиш, олинган натижаларни муҳандислик-геологик тадқиқот маълумотлари ва кудуқларни бурғилаш натижалари билан таққослаш билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, сувланган зоналар ҳисобланувчи дарзланган зоналарни ажратишда фойдаланиладиган кўп ўлчовли маълумотларнинг тизимли таҳлилини қўллаган ҳолда геологик, геофизик, гидрологик ва ерни масофадан зондлаш маълумотларини комплекс изоҳлаш учун янги усуллар таклиф қилинаётганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тектоник бузилиш зоналарини кам чуқурликда геофизик тадқиқотларнинг такомиллаштирилган услугиёти, улар локализациясининг ишончлилигини оширишга, хусусиятлари, турлари ва сунъий сув хавзалари қирғоқлари орқали фильтрацияланиш зоналарининг геометрияси тўғрисида маълумот олишга имкон беради, бу эса фойдаланишдаги хавфларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сувланган тектоник бузилиш зоналарида геофизик усулларни комплекслаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тектоник бузилишларни муҳандис-геофизик тадқиқотлаш методикаси «Ўзбекгидрогеология» ДУК фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 22 августдаги 10/13-сон маълумотномаси). Натижада сув фильтрацияси хоссалари, тури ва геометрияси ва жойлашуви аниқлигини ошириш имконини берган;

сейсмик чуқурликни тўғрилаш усули «Ўзбекгидрогеология» ДУК фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 22 августдаги 10/13-сон маълумотномаси). Натижада сейсмотомографик кесимнинг юқори қисмидаги оммавий бўлмаган қисмларини ажратиш имконини берган;

космик далилларни автоматлаштирилган таҳлил қилиш тизими «Ўзбекгидрогеология» ДУК фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2019 йил 22 августдаги 10/13-сон маълумотномаси). Натижада Тўполон сув омбори ҳудудида тектоник бузилишлар билан боғлиқ бўлган фильтрация зоналарини ажратиш имконини берган.



**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 4 таси илмий мақола Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 125 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсад ва вазифалари асосланган, тадқиқотнинг объекти ва вазифаси келтирилган, диссертация мавзуси республиканинг фан ва техникасини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар тавсифланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Биринчи бобда, **«Муҳандислик геофизикасида усуллар ривожланишининг қисқача тарихий шарҳи»** муҳандислик тадқиқот ишларида қўлланиладиган геофизик усуллар ҳақида қисқача маълумот берилган. Тектоник бузилишлар зоналарини аниқлашда геофизик усуллардан фойдаланишнинг таҳлилий шарҳлари келтирилган. Диссертация мавзусидаги шарҳлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш керакки, электрокидирув, сейсмокидирув, георадиолокация ва тектоник сув босган зоналарнинг жойлашувини бирлаштириш шarti ҳам муҳандислик ҳам геологик муаммоларнинг умумий доирасида кўриб чиқилаётган усулларнинг асоси бўлган электрофизик ва сейсмик параметрларнинг ўзаро боғлиқлигидадир.

Иккинчи боб **«Ўрганилаётган ҳудуднинг геологик тузилиши»**. Ўрганилаётган ҳудуднинг замонавий рельефи, плиоцен ва тўртламчи даврларни қамраб олган алп ва энг янги тектоник ҳаракатлар натижасида Тўполон дарёси водийси ҳосил бўлган. Рельефнинг шаклланишида асосий омиллар тик ҳаракатлар ва денудация жараёнлари бўлиб, уларнинг пайдо бўлиш табиати ва вақтига кўра, ўрганилаётган ҳудудда ўзига хос рельеф турлари мавжуд иккита асосий геоморфологик зоналар кўрсатилган.

Биринчи зона - денудация эрозияси зонаси, скульптурали рельеф плиоцен бошидан ҳозирги кунгача барқарор кўтарилиш ва денудация билан тавсифланади. Зонада V-шаклидаги дарё водийлари билан 60-70<sup>0</sup> гача этакли кескин ажратилган рельеф ҳосил бўлди. Турига кўра дарё терраслари аккумулятив, цоколли ва эрозионларли хилларига бўлинади. Карбонатли тоғ жинслари терриген жинслар рельефда литологик ва тектоник поғоналарни ҳосил қилади. Зирхланган ёнбағирликларни ташкил этувчи карбонатли жинслар куэсталарни ташкил қилади.

Иккинчи зона - қиялик текислиги зонаси - денудация билан ишлов берилган қадимги аккумулятив релъеф. Ушбу зонада кузатилган қадимги террасаларнинг юза майдони жанубга, дарё водийларига қараб йўналган.

Геологик ва литологик тузилишнинг асосий хусусияти - бўр ётқизикларининг кенг тарқалганлигидадир. Қуйи бўр асосан умумий қалинлиги 661 м бўлган лагун-континентал чўкинди жинслар (қумтошлар, гиллар, алевролитлар, конгломератлар, гипс, оҳактошлар) билан ифодаланади.

Қалинлиги тахминан 1000 м ташкил қилувчи юқори бўр жинслари кенг ривожланган ва асосан денгиз ва лагун чўкинди жинслари (мергел, оҳактош, чиғанок, гипс, алевролит, қумтош, гил) билан қопланган. Юқори бўр ётқизикларидан ташқари, бўлимда неоген даври қизил рангли терриген чўкинди жинслари пачкаси аниқланган. Тўртламчи ётқизиклар Тўполон дарёси водийсининг пастки қисмида катта қалинликга эга бўлган ҳолда жуда кенг майдонни эгаллаган.

Тадқиқот ҳудудининг геологик тузилмаларнинг комплекс ўрганилиши натижасида, Тўполон сув омборидаги узилмали бузилишлар натижасида бўр даврига мансуб денгиз генезисли ётқизиклар моноклинал шаклда турли бурчакларда ётади, аниқроғи ўнг бортда бурчак қиялиги  $20-30^{\circ}$ , чап бортда тўғоннинг маркази ва чап қирғоғи бўйлаб ўтувчи узилмали бузилишлар серияси ҳисобига бурчак тик -  $50-60^{\circ}$ .

Литологик ва геоморфологик тузилишни ўрганиш жараёнида Обичнаргаз сойи қуйи қисмида табиий равишда кичик ўлчамдаги, аммо ўзига хос тузилишга эга бўлган грабен синклинларининг камида иккита тури мавжудлиги аниқланди. Улардан биринчиси сойнинг пастки дараси, унинг ён томонлари  $70^{\circ}$  гача бурчак билан аниқ қияликга эга, каналнинг кенглиги 30-40 м. Грабен-синклинал тузилишга эга ривожланишининг иккинчиси ҳам сойнинг ён томонларида жойлашган, аммо унинг ўлчамлари олдингисидан анча кичикдир. Минтақанинг нотекис кўтарилиши ва пасайиши грабенларнинг шаклланишига таъсир қилган. Неоген давридаёқ Обичнаргаз палеоўзани аллақачон мавжуд бўлиб, юқори оқим динамикаси билан катта тош ва харсанглари ташишга қодир бўлган.

Геология, геоморфология ва кудуққа оид маълумотларини ўрганиш натижасида Обичнаргаз сойидаги фильтрация зоналари тектоник бузилишга боғлиқлиги аниқланди.


Учинчи «Тўполон дарёси ҳавзасида космогеологик тадқиқотлар» номли бобда Тўполон сув омбори ён томонларидаги замонавий геологик жараёнларни ўрганиш учун Landsat, Aster, QuickBird рақамли сунъий йўлдош расмлари қўлланилган.

Сўнгги ва замонавий тектоник жараёнларнинг асосий кўрсаткичи бўлган релъеф гидротизим ва сув ҳавзалари кўриниши турлича тавсифда акс этади. Рақамли релъеф моделини яратиш учун Global Mapper 13.0 дастурида SRTM радар тасвирларидан фойдаланилган, 50 метрли изочизикли мутлоқ белгиларни акс эттирган харита тузилди ва шунингдек тадқиқот ҳудудининг

доимий ва вақтинчалик табиат оқимларини ўз ичига олган гидрографик тармоқ харитаси тузилди.

ERDAS IMAGINE дастурида «*Lineament Extraction*» модули қўлланилган ҳолда дарё ҳавзаси тизмаларини таҳлил қилиш учун Тўполон ва унга туташ ҳудудлар, маҳаллий линеамент тизимлари аниқ ажратилган, уларнинг баъзилари 1:100000 масштабдаги геологик харитада кўрсатилган ёриқлар билан бир-бирига тўғри келади (1-расм).

Кирша, Собель, Index IV бошқа усуллар ёрдамида сунъий йўлдош суратларига рақамли ишлов бериш натижаларини таҳлил қилиш, расм ва тасвирнинг тузилиши, рельеф шакллари ва рангларини тавсифлаш асосида илгари тузилган геологик структура хариталарида мавжуд бўлмаган кўплаб чизиқли структураларни хариталашга имкон берди.



**1-расм. Тўполон дарёси ва туташ ҳудудларидаги линеаментлари ажратилган космик-структуравий схемаси**

Ажратилган ҳавзалар ичидаги баландликлар бўйича статистика ва Обичнаргаз сойининг чап томонидаги, шунингдек бутун, Тўполон дарёси ҳавзасини фильтрация зонаси параметрларини аниқлаш учун Тўполон дарёси ҳавзасининг PPM асосидаги дарё тизимларини таркибий-гидрологик ва морфометрик таҳлил қилинган. Қуйидаги таҳлил ARC GIS 10.1 версия дастурида ва Global Mapper 15.2 версия дастурида амалга оширилган. 1:50000 масштабда SRTM маълумотлари асос бўлган PPM.

Тўполон дарёси дренаж тизимларини ўрганиш ҳамда Обичнаргаз сойининг фильтрация зоналарини ойдинлаштириш учун, моделлаштиришнинг муқобил услуги «Топография анализи» Global Mapper дастури қўлланган. Шундай қилиб, рельефни морфометрик кўрсаткичлари бўйича баҳолаш амалга оширилган.

Рельефни баҳолаш натижалари сейсмик чуқурлик коррекцияси услуги ҳамда Тўполон сув омбори ҳавзаси дренаж тизимлари акваторияси сув йўналишларини баҳолашда қўлланилган. Дешифровка (тафсирлаш) услуги ёрдамида турли тартибдаги ер ёриқлар мажмуаси (ёриқлар то ер ёриғи ва линеаментларгача) хариталанган, бу ер ёриқлари тузилмаларини объектив белгилаб беради.

Тўртинчи **«Геофизик усулларни линамент чизиғи бўйича комплекслаш»** номли бобда биз томондан Ф.М.Полетаевнинг тушунчаси қабул қилинган бўлиб, унга кўра линеамент деб «географик муҳит градиент чегараларининг геологик тузилмалар ва геофизик майдонлар параметрларини кескин ўзгариши» назарда тутилади.

*Электрқидирув.* Электротомография услуги, анъанавий ВЭЗдан фарқли ўлароқ, мураккаб геологик муҳитни ўрганиш ва икки ўлчовли моделлар доирасида изохлаш имконини беради.

Дала кузатув ишлари кўп электродли тизим (72 электродли) М.А.Е. (Италия) Веннер-Шлюмберже бўйича электр зондлаш ишлари учун мўлжалланган, фильтрация зонасида белгиланган, ажратилган линеамент орқали. Рақамли асбоб Х612-ЕМ72 солиштирма электр қаршилик  $\rho$  ва қутбланиш потенциалини ўлчайди.

Электротомография маълумотларини қайта ишлаш иккита босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда дала маълумотларини «Res2dinv» дастурида бажарилади. Инверсия алгоритмининг тартибга солиш учун дастур солиштирма электр қаршилик ва қутбланиш секин ўзгаришининг моделларини қўллайди. Априор маълумотларни ҳисобга олмаган ҳолда электротомография маълумотларини тез ва сифатли талқин қилиш имконини яратди.

Электротомография маълумотларини таҳлил қилиниши орқали ўрганилган муҳит латерал ва вертикал йўналишда электр хоссалари катта фарқини ажратиб берди.

*Сеймоқидирув ишларининг синган тўлқинлар услуги.* Дала ўлчовлари 24 каналли юқори частотали Лакколит - 24МЗ рақамли сейсмик станцияси ёрдамида амалга оширилди. Станциянинг частота диапазони 20-2000 Гц, ёзилиш давомийлиги - 6 секундгача, тўпланишнинг максимал сони - 64 марта. Рўйхатдан ўтказиш рақамли. Синган тўлқинлар услуги билан  $V_p$

тўлқинларини рўйхатдан ўтказиш билан олиб борилди. Сейсмик станциянинг узунлиги 46 м, геофонлар орасидаги кадам 2 м. Қўзғалиш нуқталари орасидаги масофа 23 м, битта сейсмик майдондаги қўзғалиш нуқталари сони 5 дона. Учрашувчи ва кузатиб бориш тизимидан фойдаланилган. Годографнинг максимал узунлиги 69 м. Эластик тўлқинлар зарба орқали ҳосил қилинган. Геофонлар сифатида вертикал СВ-20П туридаги геофонлар Ҳр учун ишлатилган. Маълумотлар формати SEG-Y. Маълумотларни қайта ишлаш учун RadExPro 2014.1 дастури қўлланилган.

#### *Сейсмотомография.*

Олинган синган тўлқинлар усулининг сейсмик кесими Zond форматига ўтказилган. Сўнгра, ZondST2D дастурида тўлқин усулларида қайта ишланган.

Синган тўлқинлар усули натижаларига кўра сейсмик кесим RadExPro дастуридан тўлқин усуллари ёрдамида олинган. Ушбу кесимда иккита сейсмик қатлам ва битта синган чегара ажралган. Биринчи сейсмик қатлам 475 дан 698 м/с гача тезликда зич тоғ жинсларидан ташкил топган. Ушбу қатламнинг қалинлиги 0,5-2м 0-260 пикетларда 5 дан 12м гача 270-460 пикетлар оралиғида бўлади. Ушбу қатлам ичидаги 50-90, 160-210-пикетларда, шунингдек 430-460 пикетларда зичланган ёки сувга тўйинганлигини кўрсатувчи юқори тезлик (880-1376 м / с) мавжуд.

Иккинчи сейсмик қатлам 2649 дан 4080 м/с гача бўлган бўйлама тўлқин тарқалиш тезлигига эга ва бу туб жинслар мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, 300-440 пикетлар зонасида паст тезликлар (1182-1774 м/с) сувга тўйинганлигини кўрсатади.


Олинган кесим ушбу тезликни батафсил тасвирини берадиган сейсмик томографик қисмга айлантириш учун мўлжалланган ZondST2D дастуридан тўлқин усулларида муваффақиятли ўтказилади. Ушбу кесим 0,5 дан 3,8 км/с гача бўлган тезлик изочизиқлар билан таъминланган, кесим маълумотлари бўйича 0-10, 40-50, 90-100, 120-140, 170-180, 210-460 пикетларида жуда паст тезликлар мавжуд юқорида санаб ўтилган пикетларда фильтрация зоналарига мансуб.

Обичинарғаз сойи томонида олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир нечта фильтрация зоналари аниқланди. Сейсмик синган тўлқинлар усули туфайли синган чегара кесими қурилди ва фильтрация зоналарини ажратиш мумкин бўлди, сейсмотомография натижаларига кўра, тадқиқотлар чуқурлиги ва аниқликни ошириш мумкин. Геофизик натижаларни ҳар томонлама талқин қилиш босқичида, биз иккита геофизик усул бўйича икки қисмни бирлаштирдик – «Электромомография» ва «Сейсмотомография» кесимлари солиштирганда (2-расм), бир нечта сувланиши мумкин бўлган зоналар (фильтрация зонаси) аниқланди.

Шундай қилиб, геофизик усуллар мажмуи ва учта геофизик параметрлар (солиштирма электр қаршилиги, кутбланиши, сейсмик тўлқин тезлиги) туфайли Обичинарғаз дарёсининг чап томонидаги сув фильтрация зоналарига мос келадиган 4 зонани ажратиш мумкин бўлди.



Аввалроқ, Ерни масофадан зондлаш материалларини таҳлил қилиш натижасида, сувланган ва фильтрация зонаси жойлашган тектоник бузилиш зоналари деб талқин қилинган бир неча линеаментлар аниқланди.




**2-расм. Электротомография ва сейсотомография натижалари бўйича бирлаштирилган кесим**

*Георадиолокация.* Георадиолокация усули ёки GPR электромагнит тўлқинларнинг геологик, ҳаво ва сув муҳитида тарқалишига асосланган. Георадиолокация усулининг ишлаш принципи жуда оддий, электромагнит сигнал ўрганиш муҳитига жўнатилади. Ўз навбатида, электромагнит сигнал ўрганилаётган муҳитнинг турли литологик таркибли чегаралардан қайтади. Охирида сейсмик вақтли кесимга ўхшаш кесим олинади, лекин у радарограмма деб аталади. Сейсмик вақтли кесимдан фарқи, радарограмма наносекундларда ўлчанади.

Тўполон тўғонида пикетларда георадиолокация (георадар) ишлари «Око» асбоби билан олиб борилди, радарограмма узунлиги 310 м ташкил қилади. Тўғон турлича тузилган бўлиб, ядросининг ҳар икки чегарасидан филтър қатламига эга бўлган тош массасидан филтърлаш ва ядро қатламли суглинкалардан иборат. Георадиолокация маълумотларини шарҳлаш учун GeoScan 32 дастуридан тўлқин усулларидадан қўлланилган. Дастурдан тўлқин усули георадиолокация маълумотларига тузатишлар киритиш, босқичма-босқич талқин қилиш ва филтърлаш учун мўлжалланган. Талқин қилиш чегараларни ажратиш ва қатлам-қатлам талқин қилиш горизонтал ва тармоқли-филтърлашни ўз ичига олади. Радарограммада қатламлар ажратилган чегаралар мавжуд. Қатламни изоҳлашда чегара ажратилгандан сўнг, ҳар бир қатлам учун диэлектрик доимийлиги ўрнатилади, унинг ёрдамида қатламнинг кучи ва электромагнит тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги ҳисоблаб чиқилади.


Шундай қилиб, радарограмма бўйича учта қатлам ажралди, шунингдек, келиб чиқиши объектдаги шовқин (помеха) билан боғлиқ бўлган, тезлиги 40 см/нс ни ташкил қилувчи кўплаб дифроген тўлқинлар мавжуд (3-расм). Биринчи қатламнинг тезлиги  $V=10,5$  см/нс,  $\epsilon=6$  бўлиб, бўшқок парчаланган тоғ жинсларига тўғри келади. Иккинчи қатлам  $V=8,7$   $\epsilon=6$  зичлиги юқори бўлгани сабабли паст тезликка эга. Учинчи қатлам грунт сувлари сатҳи билан ифодаланади, юқори диэлектрик доимийлиги  $\epsilon=81$  ва жуда паст тезлик  $V=3,2$  см/нс.



*Шартли белгилар:* 1-биринчи қатлам  $F=40$ МГц; 2-иккинчи қатлам  $F=50$ МГц; 3-қатламлар чегараси.

**3-расм.** Тўполон сув омбори тўғони участкасидаги радарограмма

Аввалроқ биз томондан тўғоннинг баъзи қисмларида сейсмик қидирув ишлари ўтказилган. Тоғ жинсларидан ташкил топган тўғоннинг бир қисмини сейсмик кесими, бир-биридан эластик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги билан ажралиб турадиган учта сейсмик қатлам билан ифодаланади (4-расм).




**4-расм.** IV профил бўйича сейсмогеологик кесим (ПЎП, тоғ массаси, 8 м.да филтер қатлаmidан) ПК2+17 – ПК3+66. Тўполон сув омбори

Юқори қатлам  $V_p$  тезликлари 300 дан 442 м/с гача, қуйида бўлган қатлам  $V_p$  505 дан 633 м/с гача тезликлари билан тавсифланади. У  $V_p$  тезликлари 651 дан 758 м/с гача бўлган грунт (тупроқ)лар билан қопланган. Кесимдан кўриниб турибдики, чуқурлик ошиши билан сейсмик тезликлар

ошиб бормоқда. Бунинг сабаби, чуқурлик ортиши билан устки қатламларнинг остки қатламларга бўлган босимнинг ортишидир, бу эса чуқурликнинг ортиши билан эластик тўлқинларнинг кучайишига имкон туғдиради.

Ўрта суглинкалардан ташкил топган тўғон ядросининг сейсмик бўлими иккита сейсмик қатламдан иборат (5-расм).



**5-расм. III профиль бўйича сейсмогеологик кесим (Тўполон сув омборининг ядроси)**

Юқори сейсмик қатлам  $V_p$  тезлиги 311 дан 434 м/с гача. Пастки сейсмик қатламда  $V_p$  тезлиги бироз ошиб, 437 - 475 м/с гача этади. Иккинчи қатламдаги  $V_p$  нинг бундай ўсиши, қуйи қатлам устидаги босимнинг ошиши билан боғлиқ.

Амалга оширилган ишлар натижасида тўғон иншоотидаги сувнинг филтрланиш жойлари, тўғоннинг тузилиши, пойдеворининг литологик таркиби, тупроқларнинг эластик хусусиятлари, фильтрациянинг кучайтирилган декомпрессия қилинган жинслари зоналари аниқланди. Қарама-қарши сейсмик чегаралар, радарограмма маълумотларига тўғри келади. Кам чуқурликлар учун акс эттирилган синган тўлқин усули деярли мос келмайди (4-расмга қаранг), шу сабабли техноген грунтлар георадар маълумотлари бўйича ажратилган (2-расмга қаранг). Шундай қилиб, георадиолокация визуализация усули сифатида кам чуқурликлар учун маълумот олиш мумкин, шу билан бирга тоғ жинслари физик хусусиятлари электромагнит тўлқинларнинг юқори ассимиляция коэффициентига эга бўлган паст қаршиликли сифатида ифодаланади.

*Радиометрик съёмка (γ-тасвирлаш).* Радиометрик тасвир СРП-68-01 асбоби ёрдамида узлуксиз тинглаш (аниқлаш) орқали амалга оширилди. Ўлчаш нуқталари рельефнинг баланд-пастлик даражасига, бузилишларнинг мавжудлигига ва жинсларнинг литологик ўтишига қараб 1 дан 50 метргача масофада қайд этилди. Гамма нурланиши кескин кўтарилган нуқталар орасидаги жойда масофа қисқартирилган. Ҳар бир қатламдаги дарзланиш зонаси гамма нурланиш кўрсаткичининг 3-4 мкp/c га ортишини кўрсатади.

Гамма тасвирлаш (съёмка) Маляндарё дарёсида (Тўполон дарёсининг ўнг ирмоғи) жойлашган профил бўйича ҳам амалга оширилди. Ўлчовлар линеамент зонасида 32 мк/c ли, радиацияни баланд қийматларини кўрсатди.



Бу айниқса марказий қисмда сезилади. Шундай қилиб, радиометрик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳосилаларнинг нурланишига нисбатан конларнинг нурланиши тахминан икки баробар юқори (14-19 мк/с гача). Аномалиялар асосан шарқ-шимоли-шарқий йўналишига эга ва ёриқлар йўналишига тўғри келади. Охиригиларнинг ривожланиш жойларидаги интенсивлик 33 мк/с га етади.

## ХУЛОСА

Тадқиқотлар асосида қуйидаги натижалар олинди:

1. Тектоник бузилишларда сувланган зоналарни ажратишда муҳандис-геофизик тадқиқотларни қўллаш натижаларини умумлаштирган ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, геофизик усулларни комплексланинг умумий тамоилларига мос ҳолда электроқидирув, сейсмоқидирув ва георадиолокация комплексининг амалий аҳамияти муҳандис-геологик вазифаларини ҳал қилишда умумийлик билан бир қаторда электрофизик ва сейсмик кўрсаткичларнинг узвийлиги ҳисобланади.

2. Тўполон сув омборидаги тектоник сувланган зоналарининг геологик томонларини ва физик-геологик хусусиятларини ўрганиш натижасида узилмалли бузилишлар натижасида бўр даврига мансуб денгиз генезисли ётқиқиқлар моноклинал шаклда турли бурчакларда ётади, аниқроғи ўнг бортда бурчак қиялиги  $20-30^{\circ}$ , чап бортда бурчак тик  $50-60^{\circ}$ . Қудуқлар бурғилашни талқин қилиш натижасида тоғ жинсларнинг литологик чегаралари белгиланди, электр қаршилиги паст қийматлари, катта гамма нурланиш ва электр майдонининг мусбат потенциали кузтилган. Белгиланган хоссалар, бузилиш зонасидаги дарзликлар ва қатор узилиш номуносивбликларга мос келди.

3. Рельефнинг рақамли моделлаштириш усуллари ёрдамида Тўполон дарёси гидрологик харитаси яратилди. Рельефли баҳолаш натижалари сейсмик чуқурликларни тўғрилаш усули учун ҳамда Тўполон сув омбори атрофида дренаж тизимларини ва сув оқимлари хоссаларини баҳолашда қўлланилган.

4. Автоматлаштирилган тафсиллаш усули билан илгари тузилган геологик структуравий хариталарда бўлмаган турли даражали ер ёриқлари тизими хариталанди (дарзликлар, ер ёриқлари ва линеаментлар), ер ёриқлари ва ёриқлар тузилиши объектив акс эттирилган. Фазовий тадқиқот усуллари Тўполон сув омборини геологик-тектоник тузилишини янги талқин қилишга имкон яратди.

5. Геофизик эффектив майдонларни аниқлашда кесим юқори қисмининг тектоник тузилиши хусусиятларини ҳисобга оладиган оптимал геофизик усуллар мажмуи ишлаб чиқилди (муҳандислик геофизикасида маълумотларни қайта ишлаш ва талқин қилиш учун фанлараро ёндашув). Учта геофизик параметрлар бўйича ажратилган аномалиялар кутбланиш 63%гача, қаршилиқ паст - 30-35 Ом\*м, сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезликлари 1500-1700 м/сек., декомпрессия, дарзликлар ва сувланиш

зоналарига мос бўлиб, улар фильтрация зоналари билан боғланган. Мазкур услуб муҳандис-геофизик тадқиқотлар чоғида фильтрация зоналари локализацияси ишончлигини ошириш, уларнинг физик хоссалари ва геометрияси тўғрисида маълумот олиш учун фойдаланишга тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ  
РЕСУРСОВ, ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ  
ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ  
СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ**

**АБДУАЗИМХОДЖАЕВ АЗИЗ НОДИР УГЛИ**

**КОМПЛЕКСИРОВАНИЕ ГЕОФИЗИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ПРИ  
ВЫДЕЛЕНИИ ОБВОДНЕННЫХ ЗОН ТЕКТОНИЧЕСКОГО  
НАРУШЕНИЯ  
(НА ПРИМЕРЕ ТУПАЛАНГСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА)**

**04.00.06 – Геофизика. Геофизические методы поиска полезных ископаемых.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.PhD/GM59.**

Диссертация выполнена в Институте геологии и геофизики.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещен на веб-странице научного совета [www.gpniimg.uz](http://www.gpniimg.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

|                               |  |
|-------------------------------|--|
| <b>Научный руководитель:</b>  | <b>Садыкова Лола Ренатовна</b><br>доктор геолого-минералогических наук   |
| <b>Официальные оппоненты:</b> | <b>Хамидов Лутфулла Абдуллаевич</b><br>доктор физико-математических наук<br><br><b>Долгополов Феликс Геннадьевич</b><br>доктор геолого-минералогических наук |
| <b>Ведущая организация:</b>   | <b>ГУП«Узбекгидрогеология»</b>   |

Защита диссертации состоится «26» декабря 2019 г. в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11<sup>а</sup>. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: [info@gpniimg.uz](mailto:info@gpniimg.uz), [gpniimg@exat.uz](mailto:gpniimg@exat.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №32). (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул.Т.Шевченко, 11<sup>а</sup>. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**М.М. Пирназаров**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.г.-м.н.

**К.Р. Мингбоев**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, к.г.-м.н.

**К.Н. Абдуллабеков**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.ф.-м.н. академик,

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой практике обеспечение безопасности гидротехнических сооружений и выявление влияющих факторов на них имеет очень важное значение. Развитие зон фильтраций в тектонических нарушениях является одним из основных негативных явлений, влияющих на состояние гидротехнического сооружения. На сегодняшний день ведутся исследования по применению современного комплекса геофизических методов на бортах водохранилищ с целью всестороннего изучения зон фильтрации, позволяющего определить наиболее чувствительные физические поля, полученные данные обрабатываются в современных программных комплексах и на основании интерпретации исследуется возможность геометрии локализации зон фильтрации.

В настоящее время во многих развитых странах мира ведется ряд научных исследований по изучению геофизических полей (электрических, плотностных, электромагнитных, радиоактивных) обводнённых скальных массивов, слагающих борта водохранилищ. В том числе, в России, Франции, Италии и т.д., уделяется особое внимание новейшим геофизическим методам исследования – электротомографии, сеймотомографии, георадиолокации, радиометрии, а также гидрологическому и структурно-геоморфологическому анализу тектонических структур, позволяющим повысить эффективность и достоверность результатов путем многомерного анализа данных физических параметров зон фильтрации. Разработка оптимального комплекса геофизических исследований в целях принятия мер по предотвращению опасных экзогенных процессов, выявлению областей утечек и разгрузки воды из водохранилищ имеет важное значение.

В республике ведется всесторонний мониторинг стратегически важных объектов, таких, как гидротехнические сооружения, водохранилища, объекты промышленного и гражданского строительства. В частности, внедрена система геотехнического контроля при строительстве гидротехнических сооружений. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены задачи по «...обеспечению комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов...»<sup>1</sup>. В связи с этим, важное значение представляет проведение научно-исследовательских работ, направленных на разработку комплекса геофизических методов при выделении зон фильтрации на эксплуатируемых водохранилищах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Республики Узбекистан», № ПП-3578 от 1 марта 2018 г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с требованиями приоритетных направлений развития науки и технологий республики программа VIII - «Науки о Земле» (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

